



# ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ  
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН  
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 217 (9713).

1989 йил 15 ноябрь

чоршанба

Баҳоси 3 тийин.

## ХУШХАБАРЛАР

### БУТУНИТТИФОҚ МУСОБАҚАСИ ҒОЛИБИ

«СРЕДАЗТРАНССТРОЙ» трести коллектив ҳар йили катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини амалга оширади. Бунёдкорлар келинчи йилда фидокорона ишлаб, зиммаларидаги вази-фаларини шараф билан у-даламоқдалар. Масалан, шу йилнинг учинчи квартални-н жуда яхши ақуллашди. То-пширидаги қўшимча бака-ридан иш ҳажми уч про-центдан кўпроқни ташкил-эди. Меҳнат унумдорлиги-ни ошириш, қурилиш иш-ларини танархнини камайтириш режалари ҳам ортиги билан-уддаланди. Қатор иншоот-лар белгиланган вақтда фой-даланишга тоширилди.

Коллективнинг фидокоро-на меҳнати муносиб тақдир-ланди. У учинчи квартал-ақуларда бўйича турдош-ташкilotлар ўртасидаги Бу-туниттифоқ социалистик му-собақаси ғолиби, деб топи-ди ва унга мамлакат Транс-порт қурилиш министри-лиги ҳамда тармоқ касба уюш-малари Марказий Шўбаси-нинг кўмақи Қизил байроғи-ва биринчи даражали пул-мукофоти берилди.

### Буюртмалар тўла бажарилмоқда

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ кў-мир саноатининг энг йирик-корхонаси — Ангрендаги кў-мир разрез коллектив ун-иккинчи беш йилликнинг тў-ринчи йилида дуруст ишла-моқда. Ёзилган қазиб чиқа-риш ишларини бир марома-да олиб бориш, мавжуд кон-чилик машина-механизмлари-дан оқилона фойдаланиш туғай-ли барча буюртмалар вақти-да бажарилмоқда.

Шу йилнинг ўтган ойла-рида шартнома мажбуриятла-рининг адо этилиши юз фоиз-ни ташкил этди. Кон кол-лектив фаолиятининг асосий-техникавий-иқтисодий кў-рсаткичларида ҳам сезиларли-силжиш бўлди. Жумладан, «қора олтин» қазиб чиқариш-ҳажми ўтган йилнинг шу-давридагига нисбатан 10 фо-издан ортиқроқ ошди. Фой-да олиш даражасининг ҳам-ортиги билан бажарилганли-ги диққатга сазовордир. У-белгиланганидан 1,2 фоиз-ортиқ бўлди. Натيجида кон-чилар қўшимча унларча минг-сўмлик маблагга эга бўлди-лар. Улар йили янада яхши-ақуллаш учун ўзaro мусоба-қани авж олдириш ишларини-далар. Қондан ҳар кун кў-мир ортилан ўлаб эшелон-лар жумҳуриятимизнинг ўла-лаб шаҳар-қишлоқларига қа-раб йўл олаётганлиги шун-дан далолат бермоқда.

М. МАХМУДОВ.

## СССР Давлат мукофоти лауреатлари

# АДОЛАТ

АДОЛАТ ўқитувчилар тайёрлов курсида тахсил олиб, оз вақт мактабда расм-чиз-мачиликдан дарс ҳам берди. Лекин ишчи-онилардан чиққан учун қандайдир куч ун-ишчилар сифига тортарди. Шу тариқа ҳу-жатларини бекобод металлургия заводи-нинг халқ истеъмоли моллари ишлаб чи-қариш цехига топириб, тажрибали сир-ловчи Алия Ражимовага шоғирд тушди. Қи-зқиш бўлса иш ўрганиш унча қийин эмас-экан. Уч ой деганда разрядга имтихон-топириди. Ўзи мустақил ишлаб бошлади.

— Менинг бошқалардан фарқи йўқ, — дейди у. — 1977 йилдан бери турткини раз-рядда ишлабман. Зено бошлиги этиб сай-лашган. Асосий қиладиган ишмиз рўзгор-идишларининг ички қисмини сирлаш.

У қоронадаги ўлаб пешкадаларнинг-бирини қайси зенони бошқармасин пешка-далар қаторига қўшганини эшитасиз. Жу-ладан, шу йилнинг бошида Адолатин 7 зенога бошлиқ этиб тайинлашди. Бу қи-чк коллектив ҳам бугун пешкадам. Адо-лат меҳнатини ташкил этишнинг прогрессив-усулларини қўллашда ташаббускор бўлди. Коллектив пудратни асосида ишлаш ту-файли мақсулот тайёрлаш ва иш ҳақи ке-сини кўпайди. Зенода илгари 150—200 сўм-маош олган киши бугун 300 сўмдан оши-риб меҳнат ҳақи берилётганидан мамнун.

Адолатнинг зеноси илгари бир сменада зўрға 3000—3200 донга идини сирлаган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 4 мингдан о-шиб кетмоқда. Ютуқларнинг омили ни-мада!

— Энг аввало интизом мустаҳкам бўли-ш, ҳар бир ишловчи иккундан меҳнат қи-лиш керак деб ўйлабман, — дейди у. — Ана шунга эришмасдан турб муваф-фақит қозониш қийин. Иш вақтининг ҳар-бир дақиқасини ғанимат билиш, мақсулот-сифатсиз чиқмаслиги учун курашиш шарт.

Зеномизда ўн киши бор, шундан 9 нафа-ри айёллар. Шаворат Маматова, Севдат Маданитова ва қабил илгори ишчиларимиз-га ҳар қандай топириқини ишониб топи-риш мумкин...

Адолат цех коммунистлари катта-кичон билдирибди, ун ўз сафарига қа-бул қилишганига ҳам 11 йил бўлди. Шу-вақт ичиде коммунистлар ун шаҳар пар-тия комитети аъзоси қилинган. Адо-лат меҳнатда ва жамоат ишларида намуна-курсашига интиломоқда. Муваффақит қоз-онилишига эса шахсий ўрнат ҳам катта ро-л ўйнайди. Қолаверса бу илгори зено бо-шлигининг заводида ҳам жамоатчи сифатида-да ўрин бор. Шунинг учун ҳам бекобод-ликлар унга юксак ишонч билдириб уч-қақириндан бери Бекобод шаҳар Шўрс-депутатлигига сайлашди. Сайловчилар ўз-депутатларидан мамнунлар.

А. Зенова Ўзбекистон касба уюш-малари республика кенгашининг ҳам аъзо-си. У нафақат ўз заводи балки тармоқда



ишловчи барчанинг яхши ишлаб, яхши-яшаш ҳақида қайғуради.

— Ишонч билдирилди, оқлаш учун-жон-дилдан ҳаракат қилиш керак, — дей-ди у. — Шунинг учун ҳар қандай шароит-да ҳам жамоат ишига вақт топишга, қи-пича сменадан кейин қолишга тўғри ке-лади. Коммунист сифатида — айтадиган га-пим, аввало дунёқарашимизни кенгайтириш-ҳақида кўпроқ ўйлашимиз керак. Бу ме-хнат акалий ишларимиздан чиқарган ҳу-лоамидир...

Адолат меҳнат қилётган цехда ҳозирги-кунда 43 турда сирлаган идиллар чиқа-ришмоқда. Шундан 29 турда шаҳар ва қи-шлоқларимиз аҳолисига сотилмоқда. Йил-бошидан бери 28833 минг сўмлик мақсу-лот чиқарилди. Уларнинг 3929 минг сўм-лиги эса экспортга жўнатилди. 1990 йил-дан яна кўпайиб янги турдаги сирлаган-идилларни тайёрлашга киришиш мўлжал-ланган.

Бу ютуқларга албатта ҳамжондотлик, меҳ-нат ташкил этишнинг янги шакллари қўллаш туғайли эришилмоқда. Келгусида-ишларини янада яхшилаш учун нималар-қилиш керак! Адолатнинг фикри шундай:

— Кўп йиллар пландарни бажаришга-қийналиб келдик, — дейди у қўниб. — Биргада пудратига ўтиш, кадрларни-жой-жойига қўйиш, комсомол-ёшлар бри-гадларини тузиш, ҳамкорликни ошириш-ютуқларимизга омили бўлди. Энди оилавий-ижара пудратини кенг қўлоқ ёздириб, кўпмиллатли коллективимизни янада жип-лаштириш, ишлаш ва дам олиш шароит-ларини талаблар даражасида бўлиши ва

ишлаб чиқариш жараёнининг автоматлаш-тириш устида кўп ишлашимиз лозим.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқа-риш цехида ишчилар сонини ортиб бериш-моқда. Уларнинг сифига янги-янги кучлар қў-шилмоқда. Негаки бу ерда янги қўлавлар-ишга тушмоқда. Коллективда ишловчилар-нинг 1200 нафарини 28 ёшга бўлган ёшлар бўлиб, уларнинг кўпчилигини эса Адолатга ўқаш хотин-қизлар ташкил этади. Цехни-айланиб кўриб, Адолатга: «Аёлларга бу-ерда ишлаш осонми?» — деб савол бер-ди.

— Албатта осонмас, — дейди у. — Хо-тин-қизларнинг 70 проценти тик турб иш-лайди. Саккиз соат тик турб ишлашнинг-ўзи бўладими! Айниқса оилалиларга қийин. Чўки уларнинг зиммасида ишдан ташқа-ри яна бола тарбияси, рўзгор юмушлари ҳам бор. Менимча цехда тик турб меҳ-нат қиладиганлар иш соатини камайтириш-керак.

Яна шунинг ҳам айтиш керакки, цехда кўп-меҳнати билан анчагина иш бажарилади. Айниқса ўраш, саралаш участкаларида. Бу-гапим нафақат цех, балки завод миқёсида-ҳам айтиш мумкин. Кейин бу ерда дам-олиш, санитария-гигиена шарт-шароитлари ҳам айёллар кўнлидагидек эмас. Оилали, болалилар учун турли шаҳарларга, хуш-манзара жойларга кичи-кўнлилик саёҳат-лар уюштирилса, яхши бўлар эди. Чўки-кўпчилик аёлларимиз рўзгор ташвишлари-нинг иложини қилмоқчи хохлаган жойла-рига боришмоқда. Уларнинг маънавий-эҳтиёжларини қондириш учун ҳам қайғу-риш керак.

Бу меҳнатсевар жонсарак аёл номини-цехда катта ҳурмат билан тила олишди. Жумладан, мусобақа бўйича инженер Т. П. Бочарева шундай деди:

— Адолат Зенова ҳаракатчан комму-нист, фахрли аризулик ишчи. Бундан-ташқари ташаббускор, ўз устида ишлаёт-ган киши билан муносабатини яхши-лаш ва унинг таъминлашнинг ях-шилаш каби жуда муҳим муаммоларни ҳал этиш юзасидан қўшимча чўра-тадбир-лар белгиланди.

Хилма-хил халқ истеъмо-ли моллари ишлаб чиқариш-ни қўлайлаштиришда иттифоққа бўйсунувчи корхоналарнинг-вазифаларига алоҳида эъ-тибор берилди. Фаолиятини-бу соҳаси меҳнат кол-лективлари ишига баҳо бе-ришда ҳисобга олинадиган асосий кўрсаткичлардан би-ри бўлиши таъкидланди.

(ЎзАТ).

А. БОҚОНАЗАРОВ,  
«Бекобод ишчиси» газетаси ходими.

## СССР Олий Советининг қарори СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ИККИНЧИ СЪЕЗДИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети қарор қилади:  
СССР халқ депутатларининг иккинчи Съезди 1989 йил 12 декабрда Москва шаҳрида чақирилсин.

СССР Олий Советининг Раиси М. ГОРБАЧЕВ.  
Москва, Кремль. 1989 йил 13 ноябрь.

## СССР Олий Советининг қарори СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ИККИНЧИ СЪЕЗДИ КҮН ТАРТИБИГА КИРИТИШ УЧУН ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИГАН МАСАЛАЛАР ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети қа-  
рор қилади:  
СССР халқ депутатлари-  
нинг иккинчи Съезди муҳо-  
намасига киритиш учун му-  
айян масалалар тавсия  
этилади:

1. СССР халқ депутатла-  
рининг биринчи Съезидан  
кейин сайланган СССР халқ  
депутатларининг ваколатла-  
рининг турли деф тоиш ҳа-  
қида. Мандат комиссияси-  
нинг доклади.  
2. Иқтисодийнинг соғлом-  
лаштириш тадбирлари, иқ-  
тисодий ислохотнинг бос-  
қичлари ҳамда ўн учинчи  
беш йиллик планини ишлаб

чиқишга принципиал ёнда-  
шувлар тўғрисида. СССР  
Министрлар Советининг  
доклади.

3. СССР Конституцияси  
(Асосий Қонуни)га сайлов  
системаси масалалари юза-  
сидан ўзгартиш ва қўшим-  
чалар киритиш ҳақида.  
4. СССР халқ депутатла-  
ри Съездининг ва СССР  
Олий Советининг иш тарти-  
би тўғрисида.

5. СССР халқ депутатла-  
рининг мақомини белгилов-  
чи қонун ҳужжатларининг

СССР Олий Советининг Раиси М. ГОРБАЧЕВ.  
Москва, Кремль. 1989 йил 13 ноябрь.

лойиҳалари ҳақида ва депу-  
татларнинг фаолияти билан  
боғлиқ бошқа масалалар.  
6. СССРда конституцион  
назорат тўғрисидаги Қонун  
лойиҳаси ҳақида.

7. СССР конституцион на-  
зорат комитетини сайлаш.  
8. Уюмган жиноятчилик-  
ка қарши курашни кучайти-  
риш тўғрисида.

9. СССР халқ депутатла-  
рининг биринчи Съезди туз-  
ган комиссияларнинг аҳо-  
лотлари.

## Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Келгуси йилда республи-  
канинг иқтисодий ва иж-  
тимоий соҳалари қайси йўл-  
дан ривожланиши? Ҳар бир  
оила фаровонлигини қандай  
ошириш мумкин? Ана шу  
масалалар 11—12 ноябрь  
кунлари Ўзбекистон ССР  
Министрлар Советида бўлиб  
ўтган кенгаш қатнашчилари-  
нинг диққат марказида  
бўлди.

Госплан, министрликлар  
ва идоралар, Иттифоққа бўй-  
сунувчи корхоналарнинг раҳ-  
барлари иштирокда Ўзбе-  
кистон ССРни иқтисодий ва  
ижтимоий ривожлантириш-  
нинг 1990 йил Давлат пла-  
ни ва бюджет лойиҳалари-  
нинг қандай лойлаштири-  
лаётганлиги кўриб чиқил-  
ди. Иқтисодийнинг ижтимоий  
соҳага бўлиб юбориш, ун-  
га фонднинг келтирилиши,  
бозорини энг зарур товарлар  
билан тўлдириб, аҳолини  
иш билан таъминлашнинг  
яхшилаш каби жуда муҳим  
муаммоларни ҳал этиш юзаси-  
дан қўшимча чўра-тадбир-  
лар белгиланди.

Хилма-хил халқ истеъмо-  
ли моллари ишлаб чиқариш-  
ни қўлайлаштиришда иттифоққа  
бўйсунувчи корхоналарнинг  
вазифаларига алоҳида эъ-  
тибор берилди. Фаолиятини-  
бу соҳаси меҳнат кол-  
лективлари ишига баҳо бе-  
ришда ҳисобга олинадиган  
асосий кўрсаткичлардан би-  
ри бўлиши таъкидланди.

(ЎзАТ).

САЙЛОВЛАР  
ОЛДИДАН

## ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР халқ  
депутатлари сайловини ўтқа-  
зувчи Ўзбекистон ССР халқ  
депутатлари сайлов комиссия-  
сининг иш бошлади. Унинг  
биринчи мажлисида комис-  
сиянинг иш ва сайлов қў-  
лайлаштириш тавсиялари  
мавзасида тасдиқланди. Но-  
хия Советига сайлов ўтқа-  
зувчи 80 та сайлов мавзе-  
си тузилди. Бу мавзелар-  
нинг раислари, уларнинг  
ўрибосарлари, қотиблари  
ва аъзолари ҳам тасдиқлан-  
ди.

Сайлов комиссиясининг  
иккинчи йиғилишида комис-  
сия аъзоларининг вазифа-  
лари белгиланиб олинди. Ко-  
миссия раиси қилиб ноҳия  
партия комитетининг қотиби  
Б. Раҳмонов, ўрибосари  
қилиб ноҳия марказий ка-  
салхонаси касабаси союз ко-  
митетининг раиси З. Асломбе-  
ков, қотиби этиб эса табиат-  
нинг муҳофаза қилиш комитет-  
ининг инструктори М. Мат-  
мусаева тасдиқландилар.  
Ҳозирги пайтда ноҳия  
ҳўжаликлар, корхона ва  
ташкilotларида ташаббус-  
кор гуруҳлар тузилган.  
Улар Ўзбекистон ССР Олий  
Совети, вилоят ва ноҳия Со-  
ветларига депутатликка ном-  
зодларни аниқлаш бўйича  
меҳнат коллективлари, аҳо-  
лининг фикрини ўрганмоқ-  
далар. Ташаббускор гуруҳ-  
лар депутатликка номзодлар  
бўйича таклифлар тайёрла-  
дилар.

Мажлиси комиссия раиси  
Т. Х. Собитов олиб борди.

Мажлисида Ўзбекистон  
ССР Алоқа министри-  
нинг Марказий сайлов ко-  
миссияси билан Ўзбекистон  
ССР халқ депутатлари сай-  
ловини ўтқазувчи сайлов  
комиссиялари ўртасидаги  
алоқани ташкил этиш тўғ-  
рисидаги ахбороти тингланди.  
Алоқа министри-  
нинг жойлардаги бўлима-  
лари бу соҳада конкрет иш  
олиб бораётганлиги таъкид-  
ланди. Министрликда, об-  
ласт ишлаб чиқариш-техник-  
ка бошқармаларида узлук-  
сиз алоқани таъминлаётган  
оператив гуруҳлар тузилди.

Ҳозирги вақтда округ сай-  
лов комиссиялари жойлаш-  
ган биноларнинг кўпи теле-  
фонлаштирилди, сайлов  
участкаларини телефонлаш-  
тиришга тайёргарлик кетмоқ-  
да. Сайловга доир хат-ха-  
барлар оператив жўнатили-  
шини ҳамда телефон орқали  
галлашши имконияти би-  
ринчи навбаста сайлов ко-  
миссияларига берилишини  
таъминлаш чоралари кў-  
рилди. Марказий сайлов  
комиссиясининг қилинган иш-  
лари таъкидланди. Алоқа ми-  
нистрилигига, унинг бўли-  
маларига ишлаб чиқилган  
тадбирларнинг ижроси, тар-  
моқнинг ҳар бир ходими сай-  
лов кампаниясини алоқа  
билан таъминлаш юзасидан  
белгиланган тартибга бўйсун-  
иш қилишини назорат  
этишни кучайтириши та-  
всия қилинди.

Марказий сайлов комис-  
сиясини Ўзбекистон ССР На-  
шриёт, полиграфия ва нитоб  
савдоси ишлари давлат ко-  
митети ҳамда «Союзтезис-  
та» ҳўжалик ҳисобидиган  
Умумиттифоқ давлат саноат  
бирлашмаси Ўзбекистон бў-  
лимининг сайловнинг ҳуқуқ-  
шўносликка доир адабиёт,  
қоғоз ва сайлов ҳужжатла-  
рининг биланалари билан  
таъминлаш ишлари тўғриси-  
даги ҳисоботини муҳокама  
қилди.

Марказий сайлов комис-  
сиясини тегишли қонун ҳуж-  
жатлари ва биланаларни  
нашр этиш, қоғоз билан таъ-  
минлаш белгиланган гради-  
ка мувофиқ бораётганлиги  
таъкидланди. Ўзбекистон  
ССР Нашриёт, полиграфия  
ва нитоб савдоси ишлари  
давлат комитетининг эъти-  
борини яширин овоз бериш  
учун билдиреларини босиб  
чиқаришга тайёргарлик бериш  
ишларини авж олдириш, шу-  
нингдек аҳоли орасида ҳу-  
қуқшўносликка оид адабиёт  
нинг тарқатилиши устидан  
назорат ўрнатиш зарурлиги-  
га қаратди.

Мажлисида «Тошкент ша-  
ҳар Октябрь район ижроия  
комитетининг граждандар-  
нинг истиқомат жойлари-  
даги йиғилишларида Ўзбе-  
кистон ССР халқ депутатли-

гига тайёргарлик ва ун ўтқа-  
зиш тадбирлари тўғрисида»  
ги масала муҳокама қилин-  
ди. Район ижроия комитети  
сайловга тайёргарлик ва ун  
ўтқазиш юзасидаги ташкилий-  
техникавий тадбирларни  
ишлаб чиқиб, тасдиқланган-  
лиги таъкидланди. Ўзбе-  
кистон ССР халқ депутатла-  
ри сайловини ўтқазувчи  
округ сайлов комиссиялари-  
нинг раислари, раис ўри-  
босарлари ва секретарлари  
ҳамда райондаги 58 та ма-  
ҳалла комитети фаоллари  
билан граждандарнинг истиқо-  
мат жойларида халқ депутатли-  
гига номзодлар кўрсатиш  
юзасидан йиғилишларни таш-  
кил этиш масалаларига доир  
семинар-кенгаш ўтказилди,  
тегишли тадбирлар ишлаб  
чиқилди.

Марказий сайлов комис-  
сиясини Октябрь район иж-  
роия комитетига Ўзбекистон  
ССР халқ депутатлари сай-  
ловини ўтқазувчи округ  
комиссиялари билан бирга-  
ликда граждандарнинг истиқо-  
мат жойларида Ўзбекистон  
ССР халқ депутатлиги  
га номзодлар кўрсатишга  
тайёргарлик ва ун ўтқазиш  
ишларини давом эттиришни  
тавсия қилди.

Ўзбекистон ССР халқ де-  
путатлари сайловини ўтқа-  
зувчи округ сайлов комис-  
сияларига тегишли халқ де-  
путатлари Советлари ижроия  
комитетлари билан бирга-  
ликда граждандарнинг истиқо-  
мат жойларида халқ депутатли-  
гига номзодлар кўрсатиш  
ҳуқуқлари сайлов тўғрисида-  
ги Қонунга қатъий мувофиқ  
равишда амалга оширилиши  
учун шароит яратилиши то-  
пириди.

Марказий сайлов комис-  
сиясини Ўзбекистон ССР халқ  
депутатлигига номзоднинг  
халқ депутатлигига номзод  
ишончли вакилининг, Ўзбе-  
кистон ССР халқ депутатли-  
гининг гувоҳномалари наму-  
наларини, шунингдек Ўзбе-  
кистон ССР халқ депутатла-  
ри сайловига доир сайлов  
ҳужжатлари шакллари-  
ни тасдиқлади.

Мажлисида Марказий сай-  
лов комиссиясининг Ўзбе-  
кистон ССР халқ депутатла-  
ри сайловини ўтқазувчи ок-  
руг сайлов комиссияларига  
йўл-йўриқ берувчи макту-  
бининг матни маъқулланди,  
шу йилнинг ноябрь-декабрь  
ойлари иш плани, Марказий  
сайлов комиссиясини аъзолари-  
нинг навбатчилик қилиш  
рўйхати тасдиқланди. Мар-  
казий сайлов комиссиясини аъ-  
золарининг округ сайлов ко-  
миссиялари раислари ва сек-  
ретарлари территориял се-  
минар-кенгашлари ишида иш-  
тирок этиши ҳақида қарор  
қабул қилинди. Марказий  
сайлов комиссиясини шу би-  
лан ўз мажлисини тугалла-  
ди.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТҚАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ

### АХБОРОТИ

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтқазувчи ок-  
руг сайлов комиссиялари белгиланган муддатда, сайлов тў-  
рисидаги Қонунга қатъий мувофиқ равишда тузилди.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтқазувчи ок-  
руг сайлов комиссиялари составига номзодлар кўрсатишга  
бағишланган йиғилишлар меҳнаткашларнинг юксак фаолияти

ва меҳнатдорлиги вазиётида ўтди. Номзодларни сайлаш  
асосан граждандарнинг турли фикрлари ҳисобга олиниб, бир  
неча номзодлар орасидан танлаш асосида ўтказилди.

500 та округ сайлов комиссияларида меҳнат коллективлари  
ва жамоат ташкilotларининг, сайловчиларнинг истиқомат  
жойларидаги йиғилишларида ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг  
ҳарбий қисмлардаги йиғилишларида кўрсатилган 5 минг 400  
вакили ишламоқда. Ана шу комиссиялар аъзоларидан 3003  
нафари ёки 55,6 проценти КПСС аъзолари ва аъзоллик кан-  
дидатлари; 560 нафари ёки 10,4 проценти ВЛКСМ аъзолари,  
1922 нафари ёки 35,6 проценти айёллар, 1604 нафари ёки  
29,7 проценти ишчи-лаб ва колхозчилардир.

Дастлабки мажлислар ўтказилди, бу мажлисларда комис-  
сияларнинг раислари, раис ўрибосарлари ва комиссия сек-  
ретарлари сайланди.







